

---

## Аёлга бахт беринг, саодат беринг...

Дахақанақир қишлоғида яшовчи Одинахон Холиқова 2 фарзанднинг онаси. Тақдир тақозоси билан тўнғич фарзандининг ногиронлиги бор. Илоҳим, умрлари узоқ, бошлари омон бўлсин!

Мазкур ҳолат туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан туман бўйича ҳудудларда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган хотин-қизларни аниқлаш, уларни ҳолидан хабар олиш жараёнларида маълум бўлган эди.



Оиланинг турмуш шароитини яхшилаш, бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тақдим этилган замонавий тикув машинаси 1-сектор раҳбари, туман ҳокими Қахрамонжон Джураев томонидан топширилди.



Маълумот ўрнида, 2020 йилнинг шу кунига қадар тумандаги шу каби оилалардан 15 тасига худди шундай тикув машиналари топширилган эди.

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш эзгу тадбирлари туманда давом этмоқда.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-07-23 00:11:38